

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 602-ҳадис

602 - وَعَنِ النَّوَّاسِ بْنِ سَمْعَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْبِرُّ: حُسْنُ الخُلُقِ وَالإِثْمُ: مَا حَاكَ فِي نَفْسِكَ، كَرِهْتَ أَنْ يَطَّلَعَ عَلَيْه النَّاسُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2553/15].

«حَاكَ» بِالْحَاءِ الْمُهْمَلَةِ وَالْكَافِ، أَي: تَرَدَّدَ فِيهِ.

602. Наввос ибн Самъон розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Яхшилик ҳусни хулқдир. Гуноҳ эса кўнглингни ғаш қиладиган ва одамлар билишини истамаган нарсангдир», дедилар.

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Ҳадиснинг тўла шакли қуйидагичадир.

Наввос ибн Самъон розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан Мадинада бир йил (келиб-кетиб) турдим. Мени ҳижрат қилиб келишдан (у зотдан) савол сўраш (имконияти) тўхтатиб турар эди, холос. Чунки биздан бирор одам ҳижрат қилиб келса, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан ҳеч нарса ҳақида сўрамас эди.* Мен эса у зотдан яхшилик ва гуноҳ ҳақида сўрадим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Яхшилик ҳусни хулқдир. Гуноҳ эса кўнглингни ғаш қиладиган ва одамлар билишини истамаган нарсангдир»**, дедилар». (Имом Муслим ривояти).

* «Эй иймон келтирганлар! Ҳар хил нарсаларни сўрайверманглар. Агар сизга аён қилинса, ўзингизга ёмон бўлади. Агар улар ҳақида

Қуръон нозил қилиниб турган чоғда сўрасангиз, сизга изҳор қилинади...» (Моида сураси, 101-оят). Ушбу оятга биноан Мадинада муқим яшайдиган саҳобалар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан савол сўрашмас, четдан бирорта аъробий келиб қолиб, бирон нарсани сўраб қолармикан деб кутишарди.

Сиз билан бизга яхшилик ва ёмонлик маъноларини чуқурроқ англаб етишимизда Вобиса ибн Маъбад розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган қуйидаги ҳадиси шариф ҳам ёрдам беради:

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI